



Халқаро алоқалар

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ: ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Адхам Ахмедбаев ҳамда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Памела Спратлен терроризм ва экстремизм хавфи ортиб бораётган бир шароитда минтақавий ва халқаро миқёсда хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалаларини, шунингдек, келгусидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишди.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ахмедбаев Памела Спратленнинг вазирликка ташрифи мамлакатларимиз кўп соҳаларда, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини тасдиқлашини таъкидлади. Ушбу ҳамкорлик минтақамизда, қолаверса бутун дунёда тезкор вазият барқарорлигини, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгаллигини қайд этди. Шундан сўнг вазир мамлакатимиз ҳуқуқни муҳо-

фаза қилиш органлари таркибий тuzилиши ҳақида қисқача тўхталиб, ички ишлар идораларининг асосий фаолият тамойиллари тўғрисида батафсил гапириб берди. Ушбу тамойилларнинг асосийси аҳоли билан яқиндан ҳамкорлик қилиш эканлигини таъкидлади.

Маълумки, аҳоли билан ишончли муносабатлар ўрнатилганда профилактика инспекторлари ҳамда уларнинг яқин кўмакчилари – маҳалла фаоллари катта роль ўйнайди. Жамоатчилик ва ички ишлар идоралари ўртасида кўприк вази-

фасини бажарувчи ҳамда бир қатор ижтимоий масалаларни ҳал қилувчи маҳалла институти ҳақидаги маълумотлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Айнан аҳолининг тинчлик-осойишталикни таъминлашда фаол иштироки тўғрисида ўтган йили икки мингдан ортиқ маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Умуман олганда, МДХ мамлакатлари ичида Ўзбекистонда аҳоли жон бошига энг кам жиноят содир этилади. Эътиборли жиҳати, оғир ва ўта оғир жиноятлар сони йилдан йилга камайиб,

юз берган жиноятларни фош этиш кўрсаткичи эса ошиб бормоқда.

Айни пайтда кўшни давлатларда, узоқ хориж мамлакатларида юз бераётган воқеалардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Терроризм, одам савдоси ва наркотрафик хавфи ортмоқда. Ушбу жиноятлар асосий даромад манбаи бўлган кўплаб террорчи гуруҳлар ва диний-экстремистик оқимлар аллақачон трансмиллий жиноий ташкилотларга айланиб улгурди. Мазкур омилларни ҳисобга олиб дунё ҳамжамиятининг барча давлатлари

ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўзаро ҳамкорлигини чуқурлаштириш ва кенгайтириш зарур. Шу муносабати билан АҚШ ва Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида анчадан буён давом этиб келаётган самарали ҳамкорлик муҳим аҳамиятга молик. Вазир таъкидлаганидек, ушбу учрашув, ҳеч шубҳасиз, мамлакатларимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада ривож топишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетларда).

Ҳуқуқ-тартибот посбонлигида



ВОҲА ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ

Қашқадарё вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ППХ батальони ходимлари томонидан жойларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг тезкор ва оқилона саъй-ҳаракатлари тўғрисида турли ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниб, ўғрилик, безорилик, талончилик каби кўплаб жиноятларнинг ўз вақтида фош этилишига эришилмоқда. Хусусан, жорий йилда батальон

ходимлари томонидан 20 дан ортиқ, бошқа соҳавий хизматлар билан биргаликда эса 400 га яқин жиноятлар «иссиқ изида» фош этилди. Шу билан бирга, жорий йилнинг дастлабки саккиз ойи давомида профилактика инспекторлари ҳамда йўл-патруль хизмати ходимлари билан ҳамкорликда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар аниқланиб, уларга нисбатан 2611 та маъмурий баённома тузилди. Иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлган 50 нафарга яқин фуқаро ички ишлар идораларига олиб келиниб, тегишли чоралар кўрилди.

– Ходимларимизнинг касбий маҳорати, ва жанговар тайёргарлигини оширишга доимий равишда эътибор қаратиб келмоқдамиз, – дейди вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ППХ батальони командири, подполковник Абдусодиқ Шодмонов. – Қолаверса, маънавий-маърифий, ҳуқуқий йўналишлардаги ишлар ҳам изчиллик билан олиб бориляпти. Негаки, ички ишлар идораларининг бевосита фуқаролар билан ишлайдиган патруль-пост хизмати ходимлари биринчи навбатда ҳуқуқий жиҳатдан билимли, маънан етук ва кенг дунёқарашга эга бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Дарвоқе, батальон ходимлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Улар махсус анжомлар, алоқа воситалари билан таъминланган. Ўнлаб замонавий хизмат машиналари улар ихтиёрида. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, хиз-



Суратларда: Қашқадарё вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ППХ батальони фаолиятдан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

мат фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда хизматда юқори кўрсаткичларга эришишда батальон ходимларининг сергаклиги, ҳушёрлиги қўл келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, жорий йилнинг 8 июль куни Қарши шаҳридаги Ўзбекистон кўчасида жойлашган «Кристал» кафеси ёнида турган фуқаро Ф. У.нинг хатти-ҳаракатлари ушбу ҳудудда хизмат ўтаётган батальон ходимлари – лейтенант А. Исмоилов, сафдорлар О. Ғоипов ва Ш. Ҳўжамуродовларнинг эътиборини ўзига тортди. Шаҳрисабз туманида яшайдиган ушбу шубҳали кимса тўхталиб, унинг ёни ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганида чўнтагидан гугурт қутисига жойланган гиёҳвандлик моддаси топилди. Мазкур ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тергов идораларига топширилди.

ППХ батальони ходимларининг хизмат фаолиятдан бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Бироқ бу – унчалик муҳим эмас. Энг муҳими, эл-юрт тинчлигини, осойишталигини асрашни ўзининг олий мақсади, муқаддас бурчи деб билган, қалбига, онгу тафаккурига мустаҳкам жо қилган батальон ходимлари кунни кун, тунни тун демай, фидойилик билан хизмат қилишяпти. Зеро, улар юртимизнинг асл ўғлонлари, осойишталигимизнинг чинакам посбонларидир.

Камол ОЛЛОЁРОВ.
Қашқадарё вилояти.

Инсон жамиятда, ўз ҳамкасблари орасида хурмат-эҳтиром қозониши учун ўз устида тинимсиз ишлаши, барчага бирдек самимий муносабатда бўлиши лозим. Одабийлик фазилатлари билан бошқаларга ўрнак бўладиган ана шундай фидойи инсонлар ҳақида ҳамisha илиқ фикрлар билдирилади.

Подполковник Гулнора Тўраева тизимда ўз ишининг устаси сифатида кўпчилик яхши танийди, хурмат қилади. У кўп йиллардан бери Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказининг бўлинма бошлиғи лавозимида хизмат қилмоқда.

– Гулнора ўз хизматининг мазмуни нимадан иборат эканлигини жуда яхши англайди. Барча топшириқларни ўз вақтида, аниқ ва сифатли бажаради. Архив хужжатларини тафтиш қилиш, уларни солиштириш, зарур маълумотларни умумлаштириш сингари диққат ва эътиборни талаб қиладиган

БЕТОЙИМ

ХИЗМАТДА ФИДОЙИ, ОИЛАДА САРИШТА

вазифаларни ҳамisha аъло даражада уддалайди, – дейди ИИВ Ахборот маркази бошлиғи, подполковник А. Ҳақимов.

Дарҳақиқат, архив хужжатлари билан ишлашнинг ўзига хос қийинчилиги ва мураккаб жиҳатлари мавжуд. Бунда кичкина детални ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди, ҳар бир хужжатнинг ўзига яраша қиймати, аҳамияти бор. Бундай иш билан шуғулланиш учун кишида етарли билим ва малакадан ташқари, сабр-тоқат, кунт, энг асосийси, касбга садоқат жам бўлиши жуда зарур. Ана шундагина вазифалар тўлақонли ва юқори сифатда бажарилади. Г. Тўраевада эса бундай хислатлар бор. Шу сабабли ҳам у ўз

ишининг устаси, дея эътироф этилади.

Юртимизда ҳеч бир хизмат эътиборсиз қолмаслиги, ҳамisha рағбатлантириб борилиши барчага бирдек аён. Фикримизнинг исботи сифатида подполковник Г. Тўраева яқинда нишонланган касб байрами арафасида Юртбошимиз Фармонига биноан «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланганини айтиш мумкин.

Аёл киши бир қўлида бешикни тебратса, бирида дунёни тебратса, деган гапда жон бор. Зеро, лавҳамиз қахрамони хизматда қанчалик фидойи бўлса, рўзгорда шунчалик пазанда, ораста уй бекасидир.



– Қачонки, аёл кишининг ёнида тоғдек суянчи, таянчи, ҳамфикр ва ҳаммаслак инсон бўлса, ўшанда барча ишга бирдек улгура олади. Энг қувонарлиси, қилаётган ишдан завқ олади, ҳаётдан мамнун бўлиб яшайди, – дейди Гулнора опа. – Оилада энг яқин инсоним – турмуш ўртоғим ҳамisha мени қўллаб-қувватлаб келади. Шу ўринда менга соҳанинг сир-асрорларини ўргатган, шу даражага

етишимга сабабчи бўлган устозларимга алоҳида миннатдорлик билдираман. Жамоамиздагилар жуда аҳил, самимий. Иш жараёнида бир-биримизни сўзсиз тушунамин. Шу боис ҳам бу мукофот нафақат менга, балки жамоамизга билдирилган юксак ишонч деб биламан.

Гули Нигор АБАЗОВА.
Сурапта: подполковник Г. Тўраева ҳамкасблари билан.
Ш. ҚАХҲОРОВ олган сурат.

Бу қизиқ!

КИМ БИРИНЧИ?

Қадимги Римда аёлларга алоҳида исм қўйилмаган. Уларга ўзлари мансуб авлод фамилияси исми қилиб қўйилган. Масалан, Юлийлар хонадонидан дунёга келган қизларнинг барчаси Юлия деб аталган. Бир-бирларидан фарқлаш учун ҳар қайсига туғилиш кетма-кетлигига қараб тегишли тартиб рақами берилган.

ЙЎЛИНИ ТОПИШГАН

Бир пайтлар Европанинг айрим мамлакатларидаги телефонда сўзлашув мас-

канларида гаплашиш вақти чекланмаган эди. Киши бир марта пул тўлаб, телефонда хоҳлаганча гап сотарди. Бошқа мижозлар эса узоқ вақт навбат кутиб қоларди. Қолаверса, телефон компаниялари бунақанги эзма мижозлардан зарар кўрарди. Ниҳоят, бунинг ҳам йўлини топишди. Қандай қилиб дейсизми? Оддийгина. Телефон гўшагининг дастаги ичига сиққанича кўрғошин жойлашди. Азбаройи гўшанинг оғирлигидан қўллари толиққан мижозлар гапни қисқа қиладиган бўлишди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Топқирлигинизни синаб кўринг

ЁЛҒОНЧИ ХИЗМАТКОР

Доктор Квин келганида, Жонатан Абель полициячи билан гаплашиб ўтирган эди. Хизматкор сўзида давом этди:

– Эр-хотин Дюпонлар ҳозир шаҳар ташқарисидан кўрғонидан туришибди. Менга эса шаҳардаги уйлари кўриқлаб туришимни тайинлаб кетишган. Бундан икки соатлар олдин ул-бул харид қилгани дўконга чиқдим. Қайтиб келсам, уй ёнидаги дарахт соясида шубҳали шахс турибди. У менга тўппонча ўқталиб, эшикни очишимни буюрди. Ичкарига кирганимиздан сўнг мени кабинетга олиб кириб, оёқ-қўлимни боғлади. Кейин ярим соатча хонадонни тинтиб чиқди. Ҳойнаҳой, қўлга илингулик ҳамма нарсани олиб кетган бўлса керак. Чунки бир неча марта кўчага чиқиб, яна қайтиб кирганини эшитдим. Ниҳоят, эшикни қулфлаб чиқиб кетди.

Мен қўл-оёғимни бўшатишга ҳарчанд уринсам ҳам, бунинг уддасидан чиқа олмадим. Оғзимга тикилган латгани бир амаллаб туғлаб ташладим-да, овозим борича ёрдамга чақира бошладим. Бақирганимни эшитиб, тасодифан кўчадан ўтиб кетаётган бир одам уйга кириб, мени бандиликдан озод қилди. Шунақанги хурсанд бўлдимки, асти қўяверасиз. Вақтни ганимат билиб, дарҳол полицияга кўнғироқ қилдим.

– Сизни озод қилган одамни танийсизми? – сўради Квин.

– Йўқ, уни умримда биринчи марта кўришим. Аҳволим яхшилигини кўриб дарҳол кетиб қолди.

– Ёлғончилик ҳам эви билан-да, – дея кесатди доктор Квин.

Савол: – Нега доктор Квин хизматкорни ёлғончиликда айбла-япти?

Жавоб: – Сабаби хизматкор дастлаб ўғри уйини эшитиб кетди, латгани. Унақанда тасодифан уйга қандай кирган?

ОБУНА — 2016



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари – «POSTDA», «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON», «ШИТ» журналларига 2016 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда.

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!
КЕЧИКИБ, АРМОНДА ҚОЛМАНГ!**

Обуна бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
(0371) 231-48-81, (+99895) 177-32-31

ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабидаги мавжуд бўлган бўш офицерлик (профессор-ўқитувчилар) лавозимларига олий маълумотга эга бўлган (магистр), асосан техник йўналишдаги ва юридик мутахассисликка эга бўлган, 30 ёшдан ошмаган, мuddатли ёки сафарбарлик қақирув резервида ҳарбий хизматни ўтган ёки захирадаги офицерлар, бўйи 170 см. дан паст бўлмаган, умумий саломатлик ҳолатига кўра соғлом бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари **ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.**

Шунингдек, илмий даражага ҳамда молия, тиббиёт мутахассислигига эга бўлган фуқаролар 35 ёшгача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (0371) 257-10-94; 258-85-75; 258-56-57.
Манзил: Тошкент шаҳар Сергели тумани Дўстлик кўчаси 5-уй.

О'ЗBEKISTON
RESPUBLIKASI
IV BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

Bosh muharrir o'rinbosari –
Qobiljon SHOKIROV
Mas'ul kotib v.b. –
Zokir BOLTAYEV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR
VAZIRLIGI

Navbatchi –
Sherzod ABDUSAMADOV
Sahifalovchi –
Rustam ISOQULOV
Matn ko'chiruvchi –
Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR:
231-33-88;
Faks: 254-18-79.



Tahririyat
hisob raqami
2021000900447980001,
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod
tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosil-
ganda «Postda» dan olinganligi
ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa
ijodiy uyi bosmaxonasida chop
etildi. Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Buyurtma №S-4283. Bosilish – ofset usulida.
Hajmi – 4 bosma taboq. 67847 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar
uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.**